

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ДИҚҚАТИГА!

Журналистнинг орқасида кими бор?

ёхуд «текшир-текшир»дан мақсад нима?

24 март соғида ўқинг



Жавоб излаётган саволлар

«Олтин қалам»

Муносиблар олтини музлақ ҳақиқатми?

17 март соғида ўқинг



Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 15 март • пайшанба • № 32 (4005)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси наشري • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давлат тузилмаси ва давлат чегаралари ҳафсизлигини ишончли химоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай рию этиш, жамиятдаги миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, тинчлик ва осойишталик — демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ҳамда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати мамлакатнинг конституциявий тузumi, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, иқтисодий ва муҳофаа салоҳиятини ташки ва ички таҳдидлардан химоя қилиш тизимида алоҳида ўрин тутаяди.

Шу билан бирга, Миллий ҳавфсизлик хизматининг мақоми, вазифалари ва ваколатлари доирасини аниқ белгилаб берувчи қонун ҳужжати яратилмай туриб, унга миллий ҳавфсизликни таъминлашнинг барча жиҳатлари юқлатилгани ушбу идоранинг давлат органлари фаолиятининг барча соҳаларига асосиз аралашувиға шарт-шароит яратиб берди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичидаги устувор йўналишлар, давлат тақомиллаштириш мақсадида, барча соҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги вазифаларни самарали амалга ошириш давлат ҳавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузumi, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташки ва ички таҳдидлардан химоя қилиш борасидаги фаолиятни тубдан тақомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегияси вази-фаларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати сифатида қайта ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизматининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича

ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузumi, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташки ва ички таҳдидлардан химоя қилувчи махсус ваколатли орган этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати (бундан буён Хизмат деб юртилади) фаолиятини ташкил этишнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Хизматнинг махсус ваколатли давлат ҳавфсизлик органи сифатидаги ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва фаолият йўналишларини аниқ белгилаб берувчи мустақкам қонунчилик базасини яратиш;

буғунги кундаги ҳавф-хатарлар ва таҳдидларга қарши курашишнинг таъсирчан шакл ҳамда услубларини жорий этиш;

юзга келатган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий вазиятни инобатга олган ҳолда давлат ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришда мавжуд куч ҳамда воситалардан самарали фойдаланиш имконини берувчи ташкилий тузилмани шакллантириш;

Хизмат фаолиятини давлат ҳавфсизлигини таъминлаш ишларининг шакл ва услублари, шунингдек, Хизмат ҳарбий хизматчиларининг идоравий мансублиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлишини истисно этувчи конспирация таъминлиги асосида ташкил этиш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оғишмай рию этилишини кафолатлайдиган таъсирчан механизмларни жорий қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб химоя қилишга қодир, ҳар томонлама етук ва ватанпарвар ёшларни Хизматга жалб этишга қаратилган қадрларни танлаш ва тайёрлашнинг музлақо янги тизимини яратиш;

меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, уй-жой ва маиший шарт-шароитларни яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш орқали Хизмат ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий химосини қучайтириш.

3. Хизматнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳавфсизлиги ва манфаатларини ташки ва ички таҳдидлардан химоя қилишни таъминлаш, мажбур соҳада қонунийлик ва қонун устуворлигини мустақкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузumi, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигиға тақовуларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича разведка ва контрразведка фаолиятини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузumi, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигиға тақовуларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича разведка ва контрразведка фаолиятини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларини қўриқлаш ва химоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари ва муҳофаа-саноят мажмуасини давлат ҳавфсизлигиға ҳавф-хатарлар ҳамда таҳдидлардан химоя қилиш, мамлакат муҳофаа қобилиятини мустақкамлаш бўйича стратегик ташаббусларни амалга оширишда иштирок этиш;

терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғ, гнѣхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш;

давлат манфаатлари ва ҳавфсизлигиға таҳдид солувчи миллий, иркий ва диний адоватни тарғиб этишга қаратилган бузуқчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга барҳам бериш;

иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва ахборот соҳаларида давлат ҳавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси халқининг тарихий-маданий ва бой маънавий меросини химоя қилиш; давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат манфаатлари ва ҳавфсизлигиға таҳдид солувчи коррупция ҳолатларига қарши курашиш;

телекоммуникация ва транспорт соҳасида давлат ҳавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда ҳолатларни юзга келтирувчи омилларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

Хизмат тергов қилиш ваколатига

кирувчи жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов олиб бориш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат сирлари сақланиши, махсус алоқа ҳавфсизлигининг таъминланиши ҳамда ахборотларни криптографик химоя қилишни ташкил этиш устидан назоратни амалга ошириш;

давлат манфаатлари ва ҳавфсизлигиға таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликлар содир этилишиға имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

Хизматнинг жанговар ва сафарбарлик тайёрлиги ҳолатини тақомиллаштириш ва сақлаб туриш, куч ва воситаларни фавқулодда вазиятлар юзга келган ҳамда ҳарбий ҳолат жорий қилгандаги ҳаракатларга тайёрлаш.

4. 2018 йил 1 апрелдан қуйидаги функциялар:

Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, сошлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажаришга рухсат бериш — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигиға;

режимли муҳофаа объектларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш учун лицензия талабгорларига рухсат этилганлиги ҳақида маълумотнома бериш — Ўзбекистон Республикаси Муҳофаа вазирлигиға ўтказилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гошлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси-

нинг бир гуруҳ депутатлари томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ҳавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига мажбур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳасини қайта ишлаш таъсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хизмат билан биргалликда бир ой муддатда 2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари учун арзон уй-жойларни қуриш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизматининг байроғи ва эмблемаси намуналари 1 ва 2-ило-валарға мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, байроқ ва эмблемадан фойдаланиш тартиби Хизмат раиси томонидан тасдиқланади.

8. Хизмат икки ой муддатда: Хизмат фаолиятини ташкил этиш; Хизматнинг таълим муассасалари фаолиятини тақомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш тизимининг самардорлигини оширишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентини қарорлари лойиҳаларини киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Хизмат ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргалликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мажбур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мажбур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Ҳавфсизлик кенгаши қотиби В.В.Махмудов зиммасига юқлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 14 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармониға 2-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати эмблемаси — геральдик белги ТАВСИФИ

лар билан лотин алифбосида: «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI», пастки қисмида: «DAVLAT XAVFSIZLIK XIZMATI» деб ёзилган. Ушбу ёзувлар ҳурлик маъносини яратувчи саккиз қиррали иккита юлдуз билан ажратилган.

Доира марказида давлат ва жамиятни ташки ва ички таҳдидлардан химоя қилиш рамзини англатувчи, пастки қисми чўзилган, юқори бурчақлари кесилган учбурчак қўринишиға эга қалқон тасвирланган. Қалқон юзаси қумуш рангда. Қалқоннинг марказида Ўзбекистон Рес-

публикаси Давлат герби тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербидан қалқоннинг камбар хошияларига қадар қўёш нурларини ифодаловчи тўғри чизиклар тортилган.

Қалқоннинг кесилган икки юқори ва пастки бурчақларида шахс, жамият ва давлат манфаатлари муҳофазасини англатувчи учта халқа тасвирланган.

Қалқон ортида симметрия ўқи бўйича тиги пастга йўналтирилган қилич жойлашган. Қилич қуч, шаън, адолат, жасорат ва ҳушёрлиқни англатади.

Қилич қумуш рангда. Қилич

дастаги еттига халқадан иборат бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати фаолиятининг асосий таъминотларини англатади.

Қалқон ва қилич ортида симметрия равишда икки томонга қилпиратган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг қалқон ва қилич ортида жойлашуви конституциявий тузум, суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва давлат манфаатларининг ташки ва ички таҳдидлардан химояланганлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармониға 1-илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати байроғининг ТАВСИФИ



Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати байроғи барқарорлик, матонат, соддиқлик, фидоийлик ва мардликни ифода этувчи тўқ кўк рангли тўғри бурчақли мато қўринишиға эга.

Байроқ марказида геральдик белги — Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизматининг эмблемаси тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати байроғининг узунлиги — 250 см, эни — 125 см.



Геральдик белги — Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳавфсизлик хизмати эмблемаси тўқ кўк рангли айлана тасмаси бўлган қумуш ранг доирадан иборат.

Айлана тасманинг юқори қисмида ок рангли бош харф-

КУН НАФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати тарқатган хабарға қўра, 14 март куни давлат раҳбари қишлоқ ҳўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва соҳани замонавий техника билан таъминлаш борасидаги ишларнинг боришиға бағишланган йиғилиш ўтказди.

Унда қишлоқ ҳўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, сервис хизматини яхшилаш, импортни оптималлаштириш, экспортни кенгайтириш бўйича муайян камчиликлар мавжудлиги кескин танқид остиға олинди. Ишла йўл қўйган сусткашликлари учун «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раиси ўринбосарлари — «Ўзагротехсаноат» АЖ бош директори Р. Аҳмедов, «Ўзагролизинг» АЖ бош директори Х. Имомов, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот таҳлил департаменти муdiri А. Рафиковлар эғаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Непал пойтахти Катманду шаҳрида Бангладеш авиакомпанияси самолётининг ҳалокатта учрагани муносабати билан Непал Федератив Демократик Республикаси Президентини Бидхья Деви Бхандари ҳамда Бангладеш Халқ Республикаси Президентини Абдул Ҳамидға мактуб йўллаб, халок бўлганларнинг ойда азозларига ҳамдардлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 март куни Рим-католик черкови раҳбари Францискни Ватикан миллий байрами — унинг Муқаддас тахтға ўтирган куни муносабати билан табриқлади.

Ўзбекистон Автомобиль транспорти агентлиги берган маълумотға қўра, яқин вақт ичида Тошкент — Нижний Новгород йўналишида автобус қатнови йўлга қўйилди.

Россиянинг бошқа шаҳарларига ҳам нафақат Тошкентдан, балки Бухоро, Нукус, Урганч ва Фаргона водийси вилоятларидан автобус қатновларини йўлга қўйиш борасида иш олиб боришмоқда, — дейди агентлик раҳбарининг ўринбосари Шоолим Шоваҳобов. Қатновларнинг айнан қайси санандан йўлга қўйилиши маълум қилинмаган.

Бехзод Анварович Мусаев Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Бехзод Мусаев бундан аввал ҳам шу лавозимда фаолият юритган. Ундан олдин эса Ҳисоб палатасига раҳбарлик қилган.

Ўзбекистон Банкар ассоциациясига Бахтиёр Султонович Ҳамидов бош директор этиб тайинланди.

Бахтиёр Ҳамидов аввал Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Молия вазирини, Макрониксидиёт ва статистика вазирини, Қашқадарё вилоят ҳокимини, «Ипотекабанк» бошқаруви раиси қабил лавозимларда ишлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди «Ҳаракатлар стратегиясининг «Фаол тадбиркорлик, инновацион гошлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда ННТларнинг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш» мавзусида давлат грантлари ажратиш учун танлов эълон қилишини маълум қилди.

Интернет нашрлари ҳамда ўз муҳбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди

Тақдимот



УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА

ҳар бир иш берувчи столида бўлиши лозим

Қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан меҳнат муносабатлари иштирокчиларига қўлайлик яратиш мақсадида тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлигиға оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами» чоп этилди.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида шарҳ

41

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида стратегик вазибалар ва энг муҳим ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши нафакат давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, балки ҳукуки муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятини ҳам такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлиста Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини ислох қилиш зарурлигини кўрсатиб берди.

Давлат раҳбари томонидан Конституция ва қонун нормаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш, ҳукуки муҳофаза қилувчи органлар тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати таъминлини сўзсиз амалга ошириш, бошқа органларнинг функцияларини бажариш ва тақдорлаш ҳолатларига йўл қўймаслик вазибалари қўйилган эди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон хавф-хатар ва таҳдидларга самарали тарзда қарши қуралишга қолдир махсус хизматининг

замонавий қиёфасини белгиланган ҳолда, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимга асос солди.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати этиб қайта ташкил қилинди. Идоранинг номидан «миллий хавфсизлик» тушунчасининг чиқарилиши унинг ваколатлари асоссиз тарзда кенгайишига шарт-шароит яратган омилларни бартараф этиш зарурати билан боғлиқ. Чунки локал миқёсдаги ҳар қандай муаммо миллий хавфсизликка таҳдид сифатида қўрилиши мумкин эди. Мазкур ўзгариш ушбу идоранинг диққат-эътиборини давлат аҳамиятига эга реал таҳдидларга қаратади. «Давлат хавфсизлиги» атамаси хавфсизлигини таъминлаш доирасини аниқ белгилайди ва мазкур соҳадаги фаолият йўналишларини ажратиб беради.

Фармон билан Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилувчи махсус ваколатли орган этиб белгиланди.

Давлат хавфсизлик хизмати фаолиятини ташкил этишнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Биринчидан, мазкур идоранинг мақоми, ва-

колатлари ва фаолият йўналишларини белгиланган ҳолда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилмоқда. 26 йил олдин қабул қилинган Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисидаги амалдаги низоми фаолиятни самарали ташкил этишга имкон бермади ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган муҳим ўзгаришларни акс эттирмади.

Иккинчидан, бутунги кундаги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши қуралишнинг таъсирчан шакллари ҳамда услубларини жорий этиш, шу мақсадда идоранинг самарали ташкилий тузилмасини шакллантириш зарурлиги белгиланди.

Учинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оғишмай риоя этишнинг алоҳида муҳим аҳамияти таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Давлат хавфсизлик хизмати томонидан инсон ҳуқуқлари қонуний кафолатларининг қатъий таъминланишига устувор аҳамият берилди.

Тўртинчидан, кадрларни танлаш ва тайёрлашнинг мулкано янги тизими ташкил этилади, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси қучайтирилади.

Мазкур чоралар Давлат хавфсизлик хизматида ҳар томонлама ривожланган ва ватанпарвар ёшларни жалб этишга имкон беради. Шу ўринда идора вакиллари-нинг ҳарбий хизматчи сифатидаги мақоми кўрсатиб ўтилди, мазкур ҳолат уларга нисбатан ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ барча чеклов ва мажбуриятлар таъбиқ этилишини аниқлатади.

Бешинчидан, Давлат хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини идора ишининг шакллари ва услублари ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг идоравий мансублиги ҳақидаги маълумотлар ошқор бўлишини истисно этадиган конспирация тамойиллари асосида ташкил этилиш белгиланди. Бу давлат хавфсизлигини таъминлаш вазибаларини бажаришда мавжуд қуч ва воситалардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Ўнға хос бўлмаган вазиба ва функцияларни истисно қилиш мақсадида Миллий хавфсизлик хизмати ваколатида бўлган айрим руҳсат берувчи ваколатлар 2018 йил 1 апрелдан бошла идораларга ўтказилди ёки тугатилди.

Фармон билан Давлат хавфсизлик хизматининг байроғи ва эмблемаси намуналари тасдиқланди.

Идоравий раъмларнинг таъсис этилиши ҳарбий хизматчиларнинг жанговор руҳини оширишга ҳамда уларни давлат хавфсизлигини таъ-

минлаш вазибаларини бажаришга сафарбар этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тўпла-ниб қолган муаммоларни ҳал этишга қаратилган қатор тошпириқлар мавжуд. Шу муносабат билан:

идора фаолиятини ташкил этиш, унинг таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва Давлат чегарасини қўриқлаш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларини ишлаб чиқиш;

2018-2022 йилларда Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари учун арзон уй-жойларни қуриш дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони тарихий аҳамиятга эга бўлиб, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Давлат раҳбарининг мазкур қарорини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизимининг сифат жиҳатдан янги босқичга қўтарилишини таъминлайди.

Муносабат

Икки қардош халқ руҳиятининг мусаввири

Бугун биз тамомила янги бир даврга қадам қўйдик. Ўзбекистонда, истисносиз, барча жаҳалларда янгилаш ижараёни кечаётди. Энг муҳими, бу ислохотлар инсон ва унинг манфаатига қаратилгани боис, жаҳон ҳамжамияти томонидан муносиб даражада эътироф этилмоқда. Қўшни давлатлар, қардош халқлар билан муносабатларимизда, айниқса, тўб бурилиш даври бошланди. Узилиб қолган ришталар тиклана-ётир. Қўда-анда, қавм-қариндош бўла туриб, қўришиш имконияти чеклаб қўйилган одамлар яқинлари билан ҳеч бир тўсиқсиз дийдорлашув имкониятига эга бўлди. Бошқа барча жаҳаллар қатори адабий-маданий соҳада ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормоқда. Қўшни Қозғистонда жорий 2018 йилнинг Ўзбекистон йили деб эълон қилиниши ҳам ана шу маънавий-руҳий янгилик самарасидир. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Буюк қозқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида»ги қарори икки қардош халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янги юксалиш босқичига қирғанидан дарак беради.



вафси оркали жамият ҳодисалари тасвирланган. «Илм тоғмай мактама», «Ешқилда билгим излаб», «Бўз болалар», «Қўшмининг қораси» каби лирик шеърларида панд-насихат, илм-маърифатга тарғиб руҳи этакчил қилади. Шоирнинг лирик асарлари мазмунан терең, баъий ҳолатдан барқамол. Туйғунинг самимийлиги ва ростлиги, ташбеҳу истораларнинг оҳорини экани Абай шеърларини нурайтириб туради. Назмий асарларида муаллиф инсон руҳиятининг муасарили сифатида намоён бўлади.

Шоир бадий таржима борасида ҳам самарали ижод қилган. Байрон, Гёте, Пушкин, Лермонтов, Лев Толстой, И.Крилов сингари рус ва жаҳон адабиёти намоёндалари асарлари билан яқиндан танишган. Уларнинг ижодий тажрибаларини ўрганган, асарларини қозқ тилига маҳорат билан таржима қилган.

Икки қардош халқ муштарак қадриятларининг қўйиши бўлган ана шундай ижодкор меросини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган алоҳида қарор қабул қилиниши ҳаётий эҳтиёж самарасидир. Президентимиз қароридан Абай Қўнонбоевнинг умуминсоний қадриятлар ва меҳр-оқибат туйғу-лари юксак парадларга тарангум этилган етук бадий асарлари, ибратли ҳаёт йўли ва ижтимоий фаолияти билан халқларимиз маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссасига алоҳида диққат қаратилган. Шоирнинг «Сайланмаси» ҳамда «Ўзбек-қозқ адабий алоқалари» номли адабий-таҳлилий мақолалар тўплами нашрга тайёрлаиб чоп этилиши, оммавий аҳборот воситаларида Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижодига доир туркум кўрсатув ва эшиттиришлар, мақолалар берилиши замонамиз ёшларининг ижодкор асарлари билан чуқурроқ танишу-лига хизмат қилади. «Абай асарларининг билимдонлиги» қўриқ-таълимининг ўтказилиши эса ўқувчи ва талаба-ёшларнинг шоир асарлари адабий-эстетик қўйма-тини терең аниқлаш ҳамда қўриқчилик маданияти янада юксалишига олиб келади. Телевизион орқали ижодкор ҳаёти ва ижодига доир бадий ва ҳужжатли фильмларнинг намоёйиш этилиши, барча турдаги таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳалларда танитиш шoir ва ёшларини, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ўтказилиши қардош қозқ халқининг буюк маърифатпарвар шоири мероси ҳақидаги мавжуд тасаввурларни бойлайди.

Мен уларни ёзмайман эрмак учун,
Умдан-кетган гапларни термак учун,
Мен уларни ёзмайман тушунганча,
Алоқимга бир сабоқ бермак учун.

Алишер Навоий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Ҳузулий каби шарқ мумтоз шеърини намоёндалари асарларини қўнғ билан ўрганган Абай асарлари моҳиятини табиатан зийрак, қўнғил қўнғ очик, сергак одамларгина аниқлай олишнинг таъкидлайди. Шунинг билан бирга, у «тузсиз ўлан (шеър)» айтишини ўзига эп қўрмайди. Ёлгон гаплар сакланганини, асл сўзни сўзлашга интилангани айтиди.

Шоирнинг «Менинг алим қозғим», «Бургуччи» сингари шеърларида ватан мадҳи бетақдор талқин этилган. «Қўз», «Қиш» сингари шеърларида эса табиат

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор

41

Унда соҳага онд барча жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда ҳодимлар соғлиғига меҳнат фаолияти билан боғлиқ тарзда зарар этишига йўл қўймаслик, меҳнатда жароҳатланиш ва касб касалликларининг профилактикаси бўйича иш берувчилар ва ҳодимлар масъулиятини қучайтириш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш каби долзарб масалаларга онд энг муҳим меъёрлар ўз ифодасини топган.

Тўплам тақдиротида бағишланган талбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик ва идоралар, тармоқ ва ҳудудий қасаба уюшма ташкилотлари вакиллари ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти экспертлари иштирок этди.

Таъкидландики, мамлакатимизда ҳодимларнинг ҳаёти ва соғлиғи муҳофазаси Конституция, Меҳнат кодекси ҳамда қўллаб қонунлар ва қонуности ҳужжатлар, санитария қоидалари ҳамда меъёрлари, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан кафолатланган.

Тўпламдан меҳнат муносабатлари тарихи, ривожланиш босқичлари, ҳуқуқий асослари, Ўзбекистонда унинг таъбиқ этилиши ҳақида тушунчалар берилиши билан бирга, айрим ҳужжатларнинг айнан меҳнат муносабатларига таллуқли бўлим ва бандлари ҳам ўрин олган. Шунингдек, меҳнат муносабатлари жараёнида нафакат ҳодим, балки иш берувчининг ҳам ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмаслиги салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги инобатта олиниб, фаолиятни тўғри ташкил этиш бўйича зарур тавсиялар берилган.

Эътиборли жиҳати, меҳнат қонунчилиги иш берувчига қорхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат шaroитларини яхшилаш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун зарур чораларни қўриш вазибаларини юксалтиришга қўллаб қўйиш, ҳодимлар билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш, ҳодим ва иш берувчи ўртасида қозға келиши эҳтимол тутилган келишмовчиликларни муҳокима этиш каби масалаларни ҳам тарғибга солади ҳамда мазкур жараёнларда ҳодимлар манфаатини ҳимоялайди. Тўпламда меҳнат жараёни билан

Нигох

Ўзгаришларни эртага эмас, бугун кўрайлик

Яқинда кишлоғимизнинг бир гуруҳ кексалари билан қизгин гурунғ қилдик. Ҳаётнинг аччиқ-чўчуқини тотган бу ёши улғу инсонлар суҳбати, бугунги янгиликлар, амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида кетди.

— Сизлар эътибор беряписизларми, Президентимиз, аввало, ички ишлар ва соғлиқни сақлаш соҳаси мутасаддилари билан мажлис ўтказишлар, — деб сўз бошлади Ҳамроқул ота. — Бу, инсон учун тинчлик ва соғлиқдан муҳим нўсмаёт йўқлигини аниқлатади. Тўғри, бу икки соҳага ҳам ўзгаришлар бўляпти, лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Бутун ҳаракат инсон ҳаёти яхшиланишига қаратилаяпти.

— Шу сўзсиздан бизга ҳам маъқули, ўзгаришларни эртага эмас, бугун хис қилайлик, деган талаб бўляпти, — деб гурунғни давом эттириди Абдусалом ака. — Рост-да, эл-улус рози бўлса, эртанги кунимизга ишонч янада мустаҳкамланади. Давлатимиз раҳбарининг қонимаслиги халқ эътиҳидан келиб чиқаяпти, Демак, Президент талаби — бу халқ талаби. Бу ҳолат Олий Мажлиста Мурожаатномалар ҳам яққол акс этди.

Шу ўринда савол янгради: — Тўхтанг, илгари бунақа Мурожаатномалар бўлмасди. Унинг маъносини бизга тушунириб беринг. — Йил якуни бўйича Мурожаатнома билан чиқиш қўп демократик давлатларда аънаъага айланган. Босиб ўтилган йўлда давлат раҳбарининг баҳоси ҳаммамни қизиқтиради. Айни пайтда эртанги вазибаларни ҳам билиб олдик.

Шу пайтгача «кластер» деган сўзни эшитмаган эканмиз, — деб сўзидан давом этди отахон. — Сўраб қўрсак, ҳомаше кишидан то махсулотни эгасига топиширгунча бўлган жараёни ўз ичига олар экан. Рост-да, хирмон кўтарган билан ҳосилни манзилга етказмасангиз, ҳамма тоат-ибодатингиз бир пул.

— Бир нарсани сўрамоқчи эдим, — деб ўртага савол ташлади ўрта яшар ҳамкишлоқлардан бири. — Кейинги пайтларда «Обод кишлоқ» деган сўз пайти-пайти билан тилга олинаёпти. Шунини тушунириб беринг.

— Барақалла, шу эъгу ҳаракатга эътибор қилганларингизнинг ўзи яхши. Гап шундаки, илгари кишлоқларимиз обод бўлиши керак, деган умумий гаплар қўн айтилган. Олимлар обод кишлоқнинг



боғлиқ иқтисодий муносабатлар ва уларни тартибга солиш йўллари ҳақида керакли маълумотлар келтирилган. Шунингдек, у соғлиқни сақлаш соҳаси ҳодимлари учун ҳам касб касалликларини ташхислашда зарур қўлланма бўлиб хизмат қилади. Умуман олганда, у ҳуқуқшунослар, ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар, меҳнат муносабатлари соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар, қасаба уюшма фаоллари, талабалар

ва мазкур соҳага қизиқувчи кенг қитобхонлар оммасига мўлжалланган.

— Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон омилга эътиборни қучайтириш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш каби олий максаллар мўжассам. Албатта, инсон манфаатларини таъминлашнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш масаласисиз хал қилиб бўлмайди. Хо-

димлар учун хавфсиз, ҳимояланган, муносиб меҳнат шaroитларини яратишда иш берувчининг ҳамда ишловчининг ҳам мавжуд қонун ҳужжатларидан хабардорлик даражасига қўп нараса боғлиқ, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Мавлуда Ҳўжаева. — Мазкур тўплам меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда қелиб чиқиши мумкин бўлган ҳодисалар ва ҳодимлар саломатлиги зарарланганининг олдини олишга иш берувчилар ҳамда ҳодимлар эътиборини қучайтириш бўйича меъёрларни тўла қамраб олгани билан янада аҳамиятлидир. У давлат ва нодавлат ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар, қасаба уюшма фаоллари учун услубий қўлланма вазибаларини ўтади.

Мамлакатимизда иш берувчилар ва ҳодимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари, бу жараёнларда қелиб чиқиши мумкин бўлган турли ҳодиса ва вазиятлар, уларни ҳал қилиш бўйича тавсиялар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали мувофиқлаштириб келинмоқда. Уларнинг уч жилдан иборат тўплам қўриқишида нашрдан чиққан халқимиз учун ўзига хос совға бўлди. У ҳар бир иш берувчи иш столида бўлиши, мукаммал ўрганилиб, шу асосда фаолият олиб борилиши лозим. Ана шунда ташкилотларда ҳодимлар хавфсизлиги таъминланади, бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилмайди, — дейди Кимё ва фармацевтика саноати ҳодимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Саидқили Тўхтасев.

Талбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Ўз муҳбиримиз
Иқром ҲАСАНОВ олган суратлар

Шухрат
ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон
Республикасида
хизмат
кўрсатган
журналист



Ўзига хос жиҳатларини таснифлашар, лойиҳачилар турли муқобилларини тақдим этишарди. Очиги, бу гаплар қозғада ёки оғизда ижод қилинади. Давлатимиз раҳбари ўша гапларни аниқ бир маънида яратиб, обод кишлоқ мана бундай бўлади, деган ҳаракатни тавсия этди. Ҳозир бизнинг вилоятда Манас кишлоғи шундай ҳаракатда обод қилишга қасб этмоқда. Ҳозир ҳамма жойда ислохотлар амалга ошириляпти. Манасга ўқлаш жойларда бу ўзгаришлар кенг жамоатчилик назоратида риёсатдагидек бекаму-қўст рўёбга чиқариляпти. Миллатимизнинг азалий оруз-нийатлари юртимизнинг чекка-чекка кишлоқ аҳолиси онгидан янги тафаккур қояларини қўрак ёзишмоқда. Тасаввур қилинг, илгари ариқдан сув ичган одамлар тўб ўзгаришлар тўфайли шахар шaroитига қос қўлайликлардан баҳраманд бўлмоқда. Шундай ободлик ҳар қўчага, қонадонга кириб бурса, уни оила аъзоларининг билан хис этсангиз, янги ҳаёт дегани шу эмасми? Ҳўш, шундай ўзгаришларни қим амалга оширишни керак? Бу вазибаларини ўзимиз, аввало, бекор, турли даражадаги раҳбар ва мутасаддилар, қолаверса, бутун жамоатчилик, аҳоли вакиллари бир мушт бўлиб бирлашиб, ўзаро ҳамжамқатчилик эрта ёки индин эмас, балки бутун бажаришимиз ҳаёт талаби ҳисобланади. Мақсад — одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун зарур моддий ва маънавий шaroитларни яратишдан иборат.

Талаблар шундан иборатки, ҳар бир қонадон назоратдан ўтказилганда ўйлар пишиқ-пухтами, томлари ёпилгани, ҳовлиларга мевали дарахтлар экилгани, тоза ичимлик суви мавжудлиги, аҳоли суёютирилгани газ, қўмир билан етарли таъминлангани — ҳуллас, инсон муносиб турмуш кечириши учун барча қўлайликларга эга бўлиши таъминланади.

Айни вақтда Манасдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига юзлаб техника ҳамда мосламалар, мутахассислар ва ишчи гуруҳлар сафарбар этилган. Ҳуллас, юксак оруз-нийатлар рўёбини қўрмоқчи бўлсангиз, Манасга бориңг. Бу ерда тўпланган тажриба яқин орада бошқа вилоятларда таъбиқ этилади. Шу асосда суҳбатдошлар юрагидagi гапларни дастурхон қилишди.

Қаранг, ичимлик суви муаммоси мамлакатимизнинг қўпчилик ҳудудларига хос ҳолат экан. Биргина Президентимиз ташрифлари шарофати билан йиллар мобайнида қақраб ётган заминга оби-ҳаёт оқиб келмоқда. Насиб этса, сув келтиришдек эъгу ишининг савоби, халқимизнинг дуоси қанчадан-қанча файзу баракка қадам бўлгуси. Одамлар қалбда қувонч билан чин дилдан дуо қилишаяпти.

Қўшни мамлакатлар билан муносабатларни яхши йўлга қўйганимиз ҳаммамнинг дилини қарогон этмоқда. Чегараларнинг очилиши ҳар икки томон халқларини хурсанд қилмоқда. Ахир, қўда-анда, дўста бирлардан бўлган одамлар бир-бирларини қўриқолмаётганга анча йил бўлибди.

Илгари кейинги йилларда қўзлаган марраларимизни асос қилиб, эртанги кун ҳақида баландавроз гаплар айтиларди. Шу, бу режалар қачон амалга оширилади, деб сўрасангиз, бир сўз билан «қалажакда», деб жавоб қилинади. Орадан икки, уч, ҳатто беш йил ўтса ҳам, ўша «қалажак» кейинги йилларга сурилавеларди. Бутунги давр эса шундайли ислохотларимизга янги вазиба қўймоқда. Одамлар ислохотлар натижасини эртага эмас, бугун қўришсин. Тўғри, бунинг учун сабр-тоқат, ҳафса, ўзини қийнаш талаб этилади. Лекин қийинчиликларни мардонавор енгаск, сув келса симириб, тош келса кемириб фаолият юритсак, келгуси йил бошида муҳим доволардан ошган каби туйғунни бошдан кечиришимиз муқаррар. Ўшанда шу азиз Ватан учун фидойилик қилган инсонларнинг юзи ёруғ бўлиши турган гап.

Ҳар оқшом ойнан жаҳон орқали «Аҳборот 24»ни интиқиб кутамиз. Бутун қайси ташаббус ҳақида хабар берилади, деган қизиқиш бизни тарқ этмайди. Ҳар кун ислохотлар суръатини жадаллаштириш учун янги-янги гоялар, илҳомлантирувчи фикрлар янграётган. Бундай ёндашув одамлар қалбда эртанги кунга ишонч туйғусини ошириб бораёпти. Ҳаммамнинг тили учнда турган мавзуларда жўш урган суҳбатдан маза қиласиз. Бундай гурунғлар тез қўда яхши самара бериши муқаррар. Нима дедингиз?!



ЯНГИ ДАВР

ШУНДАЙ БОШЛАНДИ

...Тадбиркорликни ривожлантиришга тўқинлик қилиш — давлат сиёсати, Президент сиёсати тўқинлик қилиш, деб баҳоланади.

Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган — шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам — шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ.

Шундай экан, биз, биринчи навбатда, ким билан мулоқот қилишимиз керак — одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш тутшимиз керак — аввало, халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқлиги биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт. Шу борада бир фикрни яна такрорлаб айтмоқчиман: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг лавозимига киришни ташналати маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўнрақлиги нутқидан.

2016 йил 14 декабрь

Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, тараққиёт, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш бундан буён ҳам асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Ўзбекистон халқига янги йил табриқидан.

2016 йил 31 декабрь

Эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш тараққиёт йўлидаги энг катта ғовдир.

...Эртанги кунимизнинг давомчиларини соғлом дунёга келтириш кўп жиҳатдан аёлларимизнинг саломатлигига боғлиқ.

...Тиббиёт ходимлари бизнинг саломатлигимиз посбонларидир. Уларга халқ ишониши, улар эса халқни ишонтира олиши керак.

Соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳи етакчи мутахассислари билан бўлиб ўтган учрашувда сўзланган нутқидан.

2017 йил 5 январь

Фарзандлар тинчлиги, уларнинг бахти, камоли — жамиятнинг энг катта бойлиги.

...Мукаддас ва мўътабар Она сиймосига таъзим қиламиз.

Оила ва жамият устун, ҳаётимизнинг файзи ва кўрки бўлади.

Прокуратура илгаригидек фақат жазолайдиган, репрессия органи бўлиб қолмаслиги, аксинча, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қоғозда эмас, амалда ҳимоя қиладиган тизимга айланиши зарур.


Прокуратура органлари ходимлари кўнрақлиги нутқидан.

2017 йил 7 январь

...Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий база ва объектларини жойлаштиришга йўл қўймаслик, ҳарбий хизматчиларимизнинг хориждаги операцияларида иштирок этмаслик сиёсати содиқ қолиш бундан буён ҳам мамлакатимизнинг принципиал позицияси бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Қўрали Кучлари ташкили ташкилотининг 25 йиллиги муносабати билан катта ҳимоячиларига байрам табриқидан.

2017 йил 13 январь



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган учрашувдаги нутқидан

Биз мукаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз мукаддас динимизни эъраволик ва қон тўғи билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз.

Марказий Осиё Уйғониб кетган даврининг кўпбалли ёрқин намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги мукаддас китоб ҳисобланган «Саҳиҳи Бухорий»нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзланган нутқидан.

2017 йил 19 сентябрь

Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни — бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кўнрақлиги қоидада бўлиб қолиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги, ҳар бир туман ва шаҳардаги Халқ қабулхоналари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш даркор.

Ана шу ишларнинг бош мақсади — фуқароларнинг қонуний мурожаатларини қисқа муддатда синчиклаб кўриб чиқишни ва ҳал этишни таъминлашдир. Бу борада рақамлар ва силлиқ ҳисоботларнинг орқасидан қувиб, навбатдаги кампаниябозликни уюштириш керак эмас.

Бунинг халқ ҳеч қачон кечирмайди!

...Оқни — оққа, қорани — қорага ажратиш вақти ҳам келди.

...Ишни биргаликда бажарамиз, натижа учун эса ҳар биримиз шахсан жавоб берамиз.

Бугун замон ўзгармоқда, унинг талаби, олдимишга қўйётган вазифалари тобора ортиб бормоқда. Мана шундай мураккаб шароитда «Сен

Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва 2017 йилга белгиланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги нутқидан.

2017 йил 14 январь

— менга тегма, мен — сенга тегмайман» деган кайфият билан ишлашнинг вақти ўтди. Биз «вазият ёмон, вазият оғир» деб баҳона қидиришга ўрганиб қолганмиз. Лекин шу вазиятни ким ўзгартиради, ким изга солади, деган саволни, келинг, ўзимизга берайлик. Вазиятни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз, меҳнатимиз билан ўзгартирсак, ҳеч ким четдан келиб бу ишни биз учун қилиб бермайди.

Энг муҳим вазифамиз — мамлакатимизда тинчлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, одамларни, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат. Бунинг учун эл-юртимиз, аввало, биз — раҳбарларнинг фаолиятдан рози бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз аравасини ўзи тортиши, ўз соҳасидаги ишларнинг аҳоли учун ўзи шахсан жавоб бериши керак. Шундан кейин жамиятимизда ўзгариш бўлади, ривожланиш бўлади.

...Жонажон Ватанимиз, олижаноб халқимизнинг ишончини қозониш, унинг ораву-умидларини рўёбга чиқариш учун фақат тинимсиз меҳнат, изланиш ва ташаббус кўрсатиб яшаш керак. Одамлар бунинг кўнрақлиги ҳаётда сезиши, кўриши зарур.

Ҳаётнинг ўзи ва халқнинг талаблари бизнинг олдимишга амалий ечимини топиш лозим бўлган янги ва янада мураккаб вазифаларни қўймоқда.

... Ўз болангни ўзинг асра!

Биз ўз йўлида қандай хавф-хатарга дуч келмайлик, уни фақат мустаҳкам иродамиз, дини диниетимиз билан енга оламиз.

Биз қандай маррага эриш-

моқчи бўлсак, садақат ва фидойилик билан эришамиз.

Биз эркин ва фаровон келаётишимизни кўрмоқчи бўлсак, фақат мард ва олижаноб халқимиз билан бирга барпо этамиз.

«Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мукаддас динимизнинг соғлиқини асраш — давр талаби» маъносидаги ишларимизда сўзланган нутқидан.

2017 йил 15 июнь

Энг аввало, одамларимиз ислохотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этишлари зарур.

... Биз келажакда эл-юртимизнинг ишончи ва меҳрини қозongan, том маънодаги халқпарвар ички ишлар тизimini яратишимиз керак.

... Буюк келажакимиз бугундан бошланади.

Ҳар бир давлат хизматчиси халқ олдида масъул эканини ҳеч қачон унутмаслиги лозим.

Фаолиятимиз энг муҳим конституциявий қоидага — ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга қаратилиши шарт.



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидан.

2017 йил 5 декабрь

Хавфсизлик таҳдидларни «ўзиники ва ўзгаларники» деб ажратишдан воз кечиш, «яхлит хавфсизлик» тамойилига амалда риоя қилиш зарур...

Самарқанд шаҳрида ўтган халқаро конференциядаги нутқидан.

2017 йил 10 ноябрь



Янада огоҳ ва сергак бўлиш, энг асосий бойлигимиз бўлган ва биз ҳақли равишда фахрланадиган кўп миллатли халқимизнинг бирдамлиги ва жипслигини кўз қорачигидек асраш ҳамда янада мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ўз Ватани, деб биладиган ҳар бир инсоннинг мукаддас бурчидир.

Республика байналмилал маданият маркази ташкили ташкилотининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқидан.

2017 йил 24 январь

Адолат ва маънавият — ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди.

...Судьянинг онгида — фақат адолат, тилида — фақат ҳақиқат, қилида эса поклик устувор бўлиши шарт.

Мустақиллик — аввало масъулият, дегани.

Суд органлари ходимлари билан учрашувдаги нутқидан.

2017 йил 13 июнь

... Ватанга садоқатли фарзандларимиз қанча кўпайса, Ўзбекистоннинг келажаги шунчалик буюк бўлиши мумкин.

Одамларнинг розилиги — бу энг катта натижа!

Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташкари сессиясидаги нутқидан.

2017 йил 14 октябрь

... Диний жаҳолатга, зарарли оқимларга қарши маърифат билан курашиш керак.

Бугун ҳаётнинг ўзи биздан профессионал, тезкор ва самарали давлат хизмати тизимини шакллантириш, янги фикрларни, ташаббусларни, эл-юртга садоқатли кадрларга кенг йўл очиш бўйича самарали тизим ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Бизга рақамлар эмас, аниқ натижа керак.

... Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт.

... Халқимиз ҳамма нарсдан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт.

... Ватан соғинчи ҳар қандай одамни ҳам қўйнайди.

Олий Мажлис Маърузаларидан.

2017 йил 22 декабрь

Инсон қалбини, халқ қалбини аввало унинг маданияти, адабиёти ва санъати, миллий қадриятларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш орқали забот этиш мумкин.

Ташки ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган йиллигидаги нутқидан.

2018 йил 12 январь

«Ishonch» мухбири
Мукаддас РАЗОҚОВА
тайёрлади

Бор бўл, оқибат!

Қисматнинг турфа синовлари

Хива «Мурувват» ногиронлар учун эркалар интернат уйида 200 нафар фуқаро васийликка олинган. Уларнинг 23 нафари биринчи гуруҳ, 177 нафари иккинчи гуруҳ ногирони. Ўзининг саксон йиллик фаолияти давомида ушбу муассаса не тақдир соҳибларига бошпана бўлмади дейсиз? Қисматнинг турли синовлари туфайли бу даргоҳга келиб қолганларнинг ҳар бири гўё ҳаёт деб аталмиш китобнинг ўқилмаган бобларидир.

«МЕНГА ОНАМ ИЛХОМ БЕРАДИ»

Хар сафар ушбу муассасага борганимда, маънавият хонасидаги оддий қаламда чизилган бетақдор расмлар диққатини тортади. Мана, ҳозир ҳам улардан бирини қўлимда тутиб турибман. «Ёлғизлик» деб номланган ушбу суратда улкан фалсафа мужасамга ўхшайди. Тўрт томонини сув қоплаган оролча. Ёлғиз дарахт ва унга суяниб ўтирган

холда ҳаёлот ола-мига ғарқ бўлган йигит. Расмга термулб ўйга толаман. Ёлғизлик — ўйлаб олиш учун берилган имкониётми? У қ у -



батми? Чорасизликим?..

Навбатдаги расм эса «Онамга» деб номланган. Картинанинг бир четида нур сочиб турган куёш, бир ёнида Ер шари тасвири, ўртада бешик, бир ёнбошида оромкурси, пастда қабртоғи. Чиройли ҳусниҳат билан «Сиз менга ёруғ оламини бердингиз. Мен сизга нима бера олдим? Нега кўзларим жикка тўла ёш?» деб ёзилган. «Бир боқишда муҳаббат», «Навқирон Хива», «Истиқлол шукуҳи» каби унлаб рангтаъбирларнинг ҳар бири ўзига ҳос.

Бу расмларни ушбу даргоҳда васийликка олинган Алиқўзи Жўрабев чизган. Алиқўзи асли Тошкент вилоятининг Бекобод туманидан. Табиатан камгап йигит билан суҳбатимиз аввалига унчалик қовушмади. Айниқса, «Табиат манзараларини яхши чизаркансиз» деган хушомадимга энсаси қотгандек бўлди.

— Мен мактабда альо баҳога ўқиганман. Географияни, ботаникани, тарихни яхши биламан, — дея жавоб қайтарди.

Шунда уни касалманд киши сифатида қабул қилаётганим ёқмаганини аниқладим.

— Расмларни қандай чизасиз? — дея сўрайман хижолатпазликдан қутулиш учун.

— Тасвирлар кўзим ичида пайдо бўлади. Сўнг қогозга тушираман.

— Қачондан буён шу иш билан машғулсиз?

— Болалигимдан рассом бўлмоқчи эдим. Тошкент давлат педагогика институтига чизмачилик йўналиши бўйича топширганман. Мандатда йиқилганман. Кейин тиркичилик таъшишларига шўнғибми, ўқишга уринмадим.

— Ижод кишиларига нималардир туртки беради, жунбўшга келтиради. Сизга қим илҳом беради?

— Онам. Турсуной Мирзасева — новвой эди. Тез-тез тушимга қиради. Кўнглимни кўтаради, юпатади. Онажонимдан айрилганимга ўн беш йилдан ошди. Бу вим ва онамни бир йилда ерга

берганмиз. Отам ҳаёт.

— Ака-укаларингиз...

— Ўғай укам билан бирга саккизтаъмиз. — Алиқўзи ҳар бир опа-синглиси, укалари ҳақида алоҳида меҳр билан сўзлайди.

— Сизни йўқлаб туришадими?

— Баъзида кичкина қизим, ҳар замонда отам телефон қилиб туради.

— Фарзандларингиз... борми? — дейман секингина.

— Ҳа, учта. Бир ўғил, икки қиз. Ўтган йили қатта қизим Мафтунани чикардик. Таътил олиб, бориб келдим. Қизимнинг тўйини қатта ўғлим Сухробек қилди, барака топсин. Мадина қизим коллежда ўқийди. Расм чизишга қизиқади. Насиб қилса, институтда ўқитмоқчиман. Орзуларим шу қизимда ушалишини жуда-жуда хоҳлайман.

— Турмуш ўртоғингиз...

Алиқўзи хўрсиниб қўйди.

— Бу ерда сизга қандай муносабатда бўлишяпти?

— 2013 йилдан бери шу ердан. Олдинига ҳеч қўниқолмадим. Шифокорлар мени юпатиш ўрнига, жуда қўпол муносабатда бўлишди. Фақат Равшан ака раҳбар бўлиб келгачина, ваъна ўзгарди. У кишидан миннатдорман.

АЛИҚЎЗИ СОҒЛОМ ҲАЁТГА ҚАЙТИШГА ТАЙЁР

— Алиқўзи кейинги йилларда анча ўзига келиб қолди. Мен бу ерга ишга келганимда қотмагина йигит эди. Ҳаёт изтироблари, меҳрга ташналик қалбини, руҳини жароҳатлагани шундоқ кўзга ташланиб турарди. Ҳамма беморлар қатори у билан ҳам дилдан суҳбатлашдим. Қўлидан нима келишини сўрадим. Қарасам, яхшигина истейдои бор. Қогоз, қалам олиб бердик. Алиқўзи нафақат яхши расм чизади, шундай гўзал ландшафт яратадими, хайратингизини яширолмайсиз. Яқинда менга устахона очиб беринг, интернатимиз деворларини нақшлар билан безайман, деб қолди. Ҳозир устахонани тайёрлаётимиз, — дейди муассаса директори, тиббиёт фанлари номзоди Равшан Шенязов.

Директорнинг билдиришича, Алиқўзи Жўрабев соғлом ҳаётга қайтишга тайёр. Кейинги икки йилда хасталиги умуман хуруж қилмаган. Фақат бир муаммо бор: у муассасадан чиқиб,

эски оиласига қайтишни хоҳламайди. Алиқўзи оила курси, намунали оила бошлиғи бўлишга ишонаман, — дейди муассаса раҳбари.

— Ўтган йили республика «Мурувват» уйлари ўртасида ўтказилган танловда унинг расмлари юқори баҳоланди. Хунараманд, асосийси, ўта меҳнаткаш. Фақат қаерда ашайди, деган масала бор. Бугун давлатимиз раҳбари томонидан ногиронлиги бўлган фуқароларга қаратилаётган эътибордан фойдаланган ҳолда, мутасаддиларга мурожаат қилмоқчимиз. Агар унга ҳам уй берилса, оила қуриб, соғлом ва бахтли турмуш кечирармиди... Истейдои рўёбга чиқишини жуда-жуда истайман.

БЕКЗОД НАВОЙИДАН ҲАҲАЛ ҲАЙИДИ

Васийликка олинганлар орасида яна бир йигит диққатимизни тортди. Бекзод Очилов Жиззах шаҳридан. Унинг қувва ҳофизаси шунчалик қучлики, ўқиган шеърини бир зумда ёд олади. Воқеалар ҳақида гапирганда, санаси, соати, дақиқасига тўхталлади. Айниқса, ҳазрат Навоийнинг ўнлаб байтларини шуначалар ифодали ўқийдики... Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов шеърларининг мухлиси. Муассаса деворларига ёзилган

барча афоризмлар хотирасига муҳрланган. Яна бир жиҳати, аксарият шеърлардаги «Ватан» сўзи ўрнига «она» сўзини қўллаб ўқишни яхши қўлади.

— Армияга боролмаганимга афсусланаман, — дейди Бекзод. — Онамни қистовга олиб, у киши билан мудофаа бўлимига борганмиз. «Соғлом бўлганингизда жон деб ҳарбий хизматга олардик», дейишди. Қасаллим туфайли она ҳам қуролмадим. Ҳаёлимда оиланинг, фарзандларимнинг қиёфасини яратганман. Болаларим бўлса, уларга умуман қўпол муносабатда бўлмасдим. Китобларда ўқиганларимни сўзлаб берардим. Мен жажжи болаларни, уларга эртақлар айтиб беришни яхши қўраман.

Бекзод яна ҳазрати Султон Увайс зиёратгоҳидан, Хива саёҳатидан олган таасуротларини марок билан сўзлайди.

У ҳозир 36 ёшда. Асосий вақтини кутубхонада ўтказди. Хунарамандчиликка ҳам қизиқади. Муассасадаги гулларни парвариш қилади. Оиласида уч қиз, икки ўғил қатта бўлишганини, онаси Махбуба опа тиббиёт ходими бўлиб ишлаганини, ҳозир нафақадалигини ички ўқинч билан ҳикоя қилади.

— Онам охириги марта 2015 йилда келган эди. Уни жуда соғин-



дим, — дейди. — Онам келсайди, шеърлар ўқиб берардим. Хонамда ўстириб қўйган гулларимни совға қилардим...

«ТЎРТ КИШИНИ ОИЛАСИГА ҚАЙТАРДИК»

— Тажрибангизда соғлом ҳаётга қайтариш ҳолатлари учраганми? — сўрайман директордан.

— Ўтган йили биринчи марта васийликка олинганлардан тўрт нафарини оиласига қайтардик, — дейди Равшан ака. — Ҳазораспик Сотимбой ака (исми ўзгартирилган) бу ерда ўн йилдан зиёд яшади. Ёши олтимишга яқинлашди. Чаккон, меҳнаткаш. Кейинги йилларда умуман хасталиги безовта қилмади. Укаси



тез-тез кўришга келиб турарди. «Акамни олиб кетсам бўладими?» деб сўради бир сафар. Шифокор кўригидан ўтказдик.

«Оилада яшаш мумкин» деган хулоса беришди. Ўшанда Сотимбой аканинг қувонганини кўрганингизда эди!

Васийликка олинганлар билан ишлаш тажрибасига қизиқдим.

— Юринг, ўзингиз гувоҳ бўласиз, — йўл бошлади директор.

Бу ерда жорий қилинган энг сўнгги янгилик — ҳайкалтарошлик устахонаси диққатимизни тортди. Тарбияланувчилар томонидан цемент ва алебастр қоршмасидан ясалган турли мулътфильм қаҳрамонларининг қиёфаси ўзига ҳос. Директор тез қунларда муассаса ҳудудини ушбу ҳайкалдан билан безаш кўзда тутилаётганини айтиди. Ундан кейин сал юрмай, қўёхона, товукхонага кирдик. Муассасада, шунингдек, чорвачилик ҳам йўлга қўйилган. Иссиқхонани кенгайтириш чоралари қўрилмоқда. Умуман, олмасорларга баҳорги ишлов берилмоқда. Умуман, бу ерда ҳар бир қарч ердан унумли фойдаланилади. Сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳам етиштирилади.

— Васийликка олинганларнинг ҳаётга қизиқишини орттириш, ўз-ўзига хизмат қилишни ўргатиш, ҳаракати чекланган орган функцияларини қайта тиклаш мақсадида меҳнат терапиясини йўлга қўйганмиз. Ҳар бир беморга яқка тартибда ёндашамиз. Қизиқиши, жисмоний имкониятидан келиб чиққан ҳолда ишга жалб қиламиз.

Дарвоқе, бу ерда этикдўзлик, дурадгорлик, расомчилик, бадий ҳаваскорлик тўғрақлари ҳам фаолият кўрсатади. Тез-тез маданий тадбирлар, спорт мусобақалари ўтказиб турилади. Беморларнинг асабларини тинчлантиришда


музыка терапиясидан кенг фойдаланилмоқда.

— Биз тарбияланувчиларга ногирон деб эмас, акам-укам деб қараймиз, — дейди ҳамшира Клара Атажанова.

Давлат эътибори, саховатпешалар химмати туфайли муассасадаги шарт-шароитлар кун сайин яхшиланмоқда. Васийликка олинганлар сифатли тиббий-ижтимоий ёрдамдан баҳраманд бўлишлари учун фитобар, физиотерапия, муолажа хоналари, стоматология хонаси, кутубхона, маънавият маскани, спорт машғулотлари зали, ҳаммом, сауна, ошхона, сартарошхона, ёзги дам олиш маскани фаолият кўрсатмоқда. Тарбияланувчилар ҳар йили икки марта чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади. Улар ҳолидан хабар олиш, қўмақлашиш, ёзиш, расм чизишни ўргатиш мақсадида Хива тиббиёт ва педагогика коллежлари ўқувчиларидан иборат кўнгилчилар гуруҳи ташкил қилинган. Барака топқурлар дарслардан сўнг бу ерга келиб, тарбияланувчилар билан машғулотлар олиб боришади. Икки йилдирки, ота-оналар кенгаши ҳам фаолият кўрсатаётди.

— Васийликка олинганларнинг завок-шавққа тўлиб яшашларини истаймиз, — дейди директор. — Бунинг учун шарт-шароитларимиз етарли. 7 шифокор, 16 ҳамшира, 47 кичик тиббиёт ходими, жами 117 ходим уларнинг саломатликларини мустақкамлашга камарбастамиз.

Қўриб, ўзимиз шохид бўлдик: дарҳақиқат, бу ерда барча имкониятлар яратилган. Бирок, уларнинг қўлчилиги яқинларини жуда соғинган. Жигаргўша, қариндош-уруғлар меҳри барибир бошқача-да...



Муҳаббат Тўрабоева
«Ishonch»

Ана, холос!

«Тахياتош деҳқон бозори» МЧЖ раҳбари Аҳмад Ҳасановнинг мақсади тадбиркорларга қўлай шароит яратиш, бозорда ободонлаштириш ишларини жонлантириш эди. Шу боис яқин жойдан ўтган «Тўғимўйин-Нукус» минтақалараро сув қувуридан фойдаланиш бошқармасининг Тахياتош шаҳар «Сув оқава» филиалига қарашли қувурлардан бозор ҳудудига сув ўтказишга киришди.

ПАШШАДАН ЯСАЛГАН ФИЛ...

ёҳуд сув келтиргани учун «мукофот»

«Сув оқава» филиали раиси З.Сабилов номига 2017 йил 22 сентябрь куни 38-сонли алоқа хати ёзиб, сув тармоғини ўтказишга рухсат сўради. Натижада мазкур идора мутахассислари томонидан даволатнома тузилиб, қувурларга улаштишга рухсат берилди. Тарафлар ўртасида шартнома тузилди ва масаланинг барча қонуний томонлари келишиб олинди.

Аммо эзгу ният билан иш бошлаган

А.Ҳасанов орадан кўп ўтмай муаммолар қуршовида қолди. МИБ ходимлари томонидан олиб борилган суриштирув натижасида 2017 йил 2 ноябрь куни тасдиқланган қарорга асосан «Тахياتош деҳқон бозори» МЧЖ мансабдор шахслари сув узатиш тармоқларига яширинча ва ўзбошимчилик билан улашиб олган, шу қўнға қадар қонуний фойдаланиб келаётган бўлиб чиқди.

Бозор маъмуриятининг билдиришича, ҳуқуқ-тартибот органи 3 йил мобайнида сув узатиш тармоқларидан қонуний фойдаланилганини рўқча қилиб, МЧЖдан 310 млн. 598 минг 64 сўм жарима ундиришни режалаштирган экан.

Аммо пашшадан фил ясалгани алаҳида аён бўлди. Иш Нукус шаҳар маъмурий суди очик мажлисида қўриб чиқилиб, Тахياتош «Сув-оқава» филиали билан «Тахياتош деҳқон бозори» МЧЖ ўртасида имзоланган шартномага асосан, МЧЖдан ундирилган қарз суммаси бор-йўғи 2 млн. 201 минг 472 сўм эканлиги аниқланди. 310 млн. сўмдан ортиқ жарима тўлашдан қутулганини эшитган бозор маъмурияти вакилларининг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди.

Ортиқбай МАМУТОВ,
«Ishonch» муҳбири

Реклама ва эълонлар

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Ўзбектелеком» АК Фарғона филиалининг 12.03.2018 йил қўниги № 58-01-26/492-сонли хатига асосан қўйилганлар қўйилмоқда:

1. «А3-5204» русумли (бензавоз) автотранспорт воситаси. 1987 йилда и.ч. д/р: 40 399 ЕАА. Бошлангич баҳоси — 12 389 000 сўм.
2. «Эл ММ3-555» русумли юк автотранспорт воситаси. 1984 йилда и.ч. д/р: 40 396 ЕАА. Бошлангич баҳоси — 14 782 000 сўм.
3. «КАВ3-3270» русумли автобус. 1989 йилда и.ч. д/р: 40 687 ЕАА. Бошлангич баҳоси — 18 018 000 сўм.
4. «Автопогрузчик БВ-0166» русумли. 1972 йилда и.ч. Бошлангич баҳоси — 9 271 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йилнинг 16 апрель куни соат 14:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига талабгорлардан талабнома хабарнома чиққан қўндан бошлаб иш қўнлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охири мўддати

2018 йил 13 апрель соат 16:00.

Талабгорлар диққатига!

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2018 йилнинг 16 апрель куни савдога сотилганга тақдирда, тақдирий савдолар 2018 йилнинг 27 апрель ва 30 май қўнлари соат 14:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Тақдирий савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир қўн олдин тўхтатилади.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш қўни ичида сотувчи билан олдин-сотдин шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг ХАТБ «Трастбанк» Фарғона филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: Х/П: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар, С.Темур кўчаси, 45-уй. Тел.: (+998 95) 402-54-75. Тўғринома № 1894.

Самарканд вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бирлашма кенгашининг собиқ молия бўлими мудири

Нуриддин ХУҲАЕВИНГ вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Самарканд вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашма кенгаши бирлашма референти Ферузбек Раззоқовга отаси ўқтам РАЗЗОҚОВнинг вафот этганилиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Талабгорларингизга биноан, «Ishonch» газетаси 2018 йилнинг апрелидан сотувга чиқарилади.

МУАССИСА:



2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир:
Ҳўсан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Қасаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бўхоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кўнлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорқона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририй ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бўхоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарканд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-91) 141-27-70
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи қўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририй нукта назаридан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

У. Ибодитов
Навбатчи:
Н. Махамов
Муҳаббат:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Х. Абдумаликов
Босишга топшириш вақти: — 23:30
Топширилди: — 01:55
1 2 3 4 6
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бўртма г — 309. 36887 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133